Ушбу сонда:
2 *Меҳнат қонунлари қандай бажарилмоқда?* КАСАБАҚЎМ ТАШАББУСНИ БОЙ БЕРГАЧ...
3 TV - ДАСТУРИ
4 СПОРТ - СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OʻZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2000 йил 12 май, жума №67 (899)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Шу кунларда мамлакатимизда Канада парламентининг Халқаро ишлар ва ташқи савдо бўйича доимий қўмитаси делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Жамоалар палатаси аъзоси Диан Морло хоним бошчилигидаги мазкур делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлди.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Фарруҳа Муҳитдинова билан бўлган учрашув чоғида Ўзбекистон билан Канада ўртасида парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 май куни Оқсарой қароргоҳида Эрон Ислом Республикаси Президентининг махсус вакили, ушбу мамлакат таш-қи ишлар вазирининг ўринбосари Муҳаммад Одилийни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Эрон муносабатларини янада ривожлантириш, хусусан, иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги мажлисини ўтказиш ҳамда минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Муҳаммад Одилий Ўзбекистон Президентига Эрон раҳбарининг шахсий мактубини топширди.

**(ЎзА).**

**А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБЛАРИ

***Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан кўпдан-кўп бебаҳо ишлар амалга оширилмоқда. Улар инсон қадр-қимматини ўрнига қўйиш, одамлар учун муносиб турмуш тарзини жорий этиш борасида беқиёс рол ўйнамоқда.***

***Давлатимиз раҳбарининг Тошкентдаги Бўзсув мавзесида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини барпо этиш ҳақидаги ташаббуси халқимиз томонидан зўр миннатдорчилик, фахр ҳис-туйғулари ила қарши олинди. Энг мўътабар зиёратгоҳлардан бирига айланадиган муқаддас даргоҳ очилиши арафасида таҳририятимизга кўплаб миннатдорчилик мактублари келмоқда. Газетамиз саҳифаларида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этиб борамиз.***

### ЭНГ КАТТА САВОБ

**Саримсоқ ДАВРОНОВ, уруш ва меҳнат фахрийси, Фарғона шаҳри.**

Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш борасида Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида бунёд этилган мажмуа алоҳида ўрин тутади.

Биз — фахрийлар бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси қарори эълон қилинган кундан бошлаб бошимиз осмонда. «Қатағон қурбонлари» хотира китоби яратилаётганлиги ҳам энг бебаҳо ишлардан биридир. Юрагимиздаги гап шуки, давлатимиз раҳбари инсон қадр-қимматини ўрнига қўйишга астойдил ҳаракат қилаяпти. Амалга оширилаётган савобли ишлар бунинг далилидир. Эътиборлиси шуки, Бўзсув мавзесидаги хотира мажмуаси шаҳидлар арвоҳи чирқираган жойда бунёд этилди. Яхши эслайман, бир вақтлар бу ерга одамлар қадам ранжида қилишга чўчишарди. Боиси, не-не умри азизлар Алвасти-кўприк деб аталган жойда минг азобда ваҳшийларча ўлдирилган. Эндиликда бу ерда муқаддас руҳ ҳукмрон. У ёшларни ватанпарварлик, аньаналарига садоқат руҳида тарбиялаш, қатағон қурбонларининг фожеали тақдири билан яқиндан танишиш имконини берадиган масканга айланади. Фурсатдан фойдаланиб, катта савобли ишларга қўл ураётган, Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш борасида саъй-ҳаракатлар қилаётган Юртбошимизга чин дилдан миннатдорчилик билдирамиз. Биз ҳам ўзимизни ҳамиша сафда деб билиб, маҳаллаларда, илм масканларида, хўжаликларда, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борамиз.

Хотира ва Қадрлаш куни Жиззах шаҳри марказида Ҳамид Олимжон номидаги боғнинг очилиши умумхалқ байрамига ўзига хослик бағишлади.

## ШОИРНИ ЭСЛАБ

Ҳамид Олимжон таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан шаҳар марказида барпо этилган бу боғда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Боғда шоирнинг муаззам ҳайкали қад ростлади.

**(ЎзА).**

## ФАРЗАНДЛАР ФАРОҒАТИНИ ЎЙЛАБ

Бу йил Фарғона вилоятида болаларнинг ёзда дам олишлари учун шаҳар ташқарисида қирқта оромгоҳ ташкил этилади. Энг сўлим ва хушманзара гўшаларда очиладиган масканларда 32,6 минг нафардан кўпроқ бола хордиқ чиқаради. Кундузги соғломлаштириш манзиллари эса 7 минг нафар ўқувчини ўз бағрига олади. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, оромгоҳларда дам оладиган болаларнинг ота-оналари йўлланма қийматининг фақат 5-10 фоизинигина тўлайди.

Агросаноат мажмуи тасарруфидаги оромгоҳларда дам олувчи 17 минг нафарга яқин боланинг дам олиши, саломатлигини тиклаши эса бепул амалга оширилади.

Вилоятда Соғлом авлод йили муносабати билан меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, мазмунли хордиқ чиқаришини ташкил этиш мақсадида кенг кўламли амалий тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Хусусан, вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши бу борада ҳамкорликда ишлаш тўғрисида 2005 йилгача мўлжалланган битим тузган. Шунингдек, вилоятда «Диёр» ўқув соғломлаштириш марказини ташкил этиш, спортни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш, Қувасой шаҳридаги оналар ва болалар сиҳатгоҳлари доимий фаолиятини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилмоқда.

*Дам олиш масканлари мавсумга шайми?*

## БЕЧОРАҲОЛ СИҲАТГОҲ

***Автомобилчилар зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган. Улар халқ хўжалиги юкларини, йўловчиларни манзилга вақтида, эсон-омон етказиш учун фидойилик кўрсатиб меҳнат қиладилар. Соҳа кишилари вазифани муваффаққиятли уддасидан чиқишлари учун соғлом, касб-корига садоқатли, иродали бўлишлари талаб этилади. Шу боис, Хонқа туманидаги сўлим маскан ° Шовот канали яқинида «Автомобилчи» сиҳатгоҳи бунёд этилганди. Дастлабки кезлар «Хоразмтранс» ҳиссадорлик жамияти оромгоҳга алоҳида эътибор қаратди. Дам олувчилар учун барча шароитларни муҳайё этди. Шу боис, мазкур сиҳатгоҳда хордиқ чиқариб, саломатлигини мустаҳкамлашни орзу қилганлар сони тобора орта борди.***

Ажойиб табиатли сиҳатгоҳнинг яна бир эътиборли томони бромли минерал сув мавжудлиги эди. У кўпгина касалликларга даво. Қўли гул шифокорларнинг самарали меҳнати, ён-атрофнинг сўлимлиги, анвойи гуллар, дов-дарахтлар сероблиги кўпчиликни мафтун этди.

Бироқ бахтга қарши йиллар ўтиши билан бу ердан файз кетди. Дам олувчилар сони йилдан-йилга камайди, ҳақли эътирозлар кўпайди. Сиҳатгоҳ ўз шуҳратини йўқотди. Бунинг сабабини аниқлаш, жорий йил мавсумига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги билан яқиндан танишиш мақсадида «Автомобилчи» оромгоҳида бўлдик. Кўрдикки, аҳвол чиндан-да ташвишли. Аввало аввалги файз йўқ, деворлар эскириб нураб ётибди, баъзи эшик-деразалар ва бошқа жиҳозлар синган. Ошхонадаги жиҳозлар айқаш-уйқаш ҳолатда. Кўпчиликни қизиқтирган бромли сув берувчи махсус душ занг босиб ётибди. Жисмоний тарбия билан даволовчи хоналардаги жиҳозларга қараб бўлмайди. Ҳатто чироқ ҳам кўпда ёнмас экан. Бу аҳволда ким ҳам сиҳатгоҳга ихлос билан қадам ранжида қилади?

Маданий-маиший шароитлар билан чуқурроқ танишишга ҳаракат қилдик. Қарангки, клуб эшигига қулф осилган. Китобларни чанг босиб ётибди. Яқин ўртада бу ерга бирон киши қадам ранжида қилмабди. Ён-атрофни янтоқ, қамиш босганлиги янада ачинарли.

Ачинарли ҳолатнинг сабабини бош шифокор Б.Ўриновдан сўраймиз.

- «Хоразмтранс» ҳиссадорлик жамияти мутасаддилари сиҳатгоҳ қурилганидан буён бирон марта таъмирлаш ишларига ёрдам беришмади. Бормаган жойим, учрашмаган раҳбар қолмади, - дейди у. - Вилоят ҳокимлигига икки маротаба ёзма равишда мурожаат қилдик. Бироқ бундан ҳам натижа чиқмади. Охир-оқибат муаммолар кўпайиб, танг аҳвол юзага келди. Иқтисодий жиҳатдан заифлашиб қолдик. Хусусан, сиҳатгоҳнинг шу йил ҳисобидан 2,5 миллион сўм кредитор қарзи бор. Қолаверса, газ, сув, электр энергияси, телефон қарзлари ҳам қалашиб ётибди. Ялиниб-ёлвориб электрни амаллаб турибмиз.

Айниқса бозор шароитида ҳар бир тадбирни вақтида изчил амалга ошириш, муаммоларни жойида ҳал этиш тақозо этилади. Ўзибўларчилик, муҳим ишга панжа орасидан қараш бу ерда ҳам қимматга тушди. Туппа-тузук сиҳатгоҳ эндиликда 50 ўринга қисқарди. Иш шу алпозда кетса, бу ердаги имкониятлар тўла бой берилиши турган гап. Ҳадемай, дам олиш мавсуми ҳам бошланади. Бироқ тайёргарлик ишлари талабга мутлақо жавоб бермайди.

«Автомобилчи» сиҳатгоҳи ёнида ўқувчиларни 160 ўринли соғломлаштириш оромгоҳи жойлашган. Унда дам олиш хоналари, маънавият маркази, спорт мажмуи, сув ҳавзаси ҳамда тиббий пункт мавжуд. Лекин қаровсизликдан улар ҳам нураб яроқсиз ҳолга келмоқда. Ён-атрофни ўт-ўланлар босиб кетган. Оромгоҳ очилишига саноқли кунлар қолганда, уни таъмирлаш эсларига тушиб қолди. Қанчалик ҳаракат қилишмасин, мавсумга пухта тайёргарлик кўришолмайди. Бир нарса кўпчиликни ажаблантирди. Оромгоҳ ёнгинасида фермер хўжалиги ташкил этилган экан. Ахир, чорва фермалари оромгоҳ ва сиҳатгоҳлардан, умуман, аҳоли яшайдиган пунктлардан узоқроқ бўлиши керак. Фермер хўжалигини кўчириш ҳақида ҳиссадорлик жамиятига неча бор мурожаат қилинишига қарамасдан, ҳақли эътирозга беписанд қараб келишмоқда. Бош шифокорнинг куйиниб гапиришича, мутасаддилар молхоналарни электр токи, газ ёнилғиси, водопровод суви билан таъминлашга кетадиган сарф-харажатни сиҳатгоҳ ҳисобидан тўлаб келишаётган экан. Буни тегишли идоралар кўрабила туриб, кўрмаганга олишаяпти.

Одамлар саломатлиги, тинч-хотиржам, баракали меҳнат қилишлари учун шарт-шароитларни муҳайё этиш ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса раҳбари, касаба уюшма қўмитасининг биринчи галдаги вазифасидир. Бу оддий ҳақиқатни, наҳотки, «Хоразмтранс» ҳиссадорлик жамиятидагилар унутиб қўйишган бўлса?

**Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

## МУҚАДДАС БУРЧ

***Хотира ва Қадрлаш кунида республика касаба уюшмалари кенг кўламли тадбирларни амалга оширдилар***

Инсон хотираси муқаддас. Мустамлакачилик даври қурбонлари, иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган марду майдонларни эслаш, номларини улуғлаш, порлоқ хотиралари олдида таъзим бажо айлаш биз - тирикларнинг муқаддас бурчидир. Буни яхши англаган республика касаба уюшмалари ҳам Хотира ва Қадрлаш кунида кенг кўламли тадбирларни амалга оширдилар. Хусусан, 9 май кезларида қабристонларни ободонлаштириш мақсадида ҳашарлар уюштирилди. Корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, бир пиёла чой устида мароқли суҳбатлар ўтказилди. Албатта, ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилалар, «Саховат» уйида яшаётган қариялар ҳолидан хабар олинди. Уларга байрам совғалари улашилди. Барча вилоятлардаги уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашлари билан ҳамкорликда табаррук кишилар, жангоҳларда мардларча ҳалок бўлган жангчилар оилаларига совға-саломлар, моддий ёрдам топширилди.

Байрам кечалари ва халқ сайлларида касаба уюшмалари бадиий жамоаларининг ранго-ранг дастурларда чиқишлари ташкил этилди. Аксарит вилоятларда спортнинг миллий турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Андижон шаҳрида вилоят касаба уюшмалари соврини учун масофага югуриш бўйича ёшлар ўртасидаги беллашув кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Савобли ишлардан яна бири ° касаба уюшма қўмиталари меҳнат жамоаларида сидқидилдан меҳнат қилаётган уруш қатнашчиларига санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар ажратдилар.

Хотира ва Қадрлаш куни Тошкент туманидаги Шредер номли узумчилик, боғдорчилик институтида ўзига хос бир тарзда ўтди. Вилоят ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси касаба уюшмалари билан ҳамкорликда уруш ва меҳнат фахрийларини тўкин дастурхон атрофига таклиф этдилар. Унда 300 нафардан ортиқ табаррук инсонлар иштирок этишди. Кечада янграган классик куй ва қўшиқларимиз отахонлар ва онахонларга кўтаринки руҳ бағишлади. Уларга эсдалик совғалари топширилди.

Навоий вилояти ҳокимлиги касаба уюшмалари кенгаши билан бамаслаҳат иш юритиб, муҳим санага алоҳида тайёргарлик кўрди. 700 нафар уруш фахрийларига атаб байрам дастурхони тузалди. Уруш қатнашчилари ёшларга ўзбек жангчиларининг оловли йиллардаги қаҳрамонликлари, Ватаним, жигарларим дея ўзларини аямай мардона курашганликлари ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилдилар. Ўша куни савдо ходимлари 1,5 миллион сўмлик сархил неъматларни тортиқ этишди.

Вилоятнинг алоқа тизимида ишловчи фахрийларига байрам куни ҳамдўстлик мамлакатларида яшаётган қариндош-уруғлари, собиқ жангчилар билан телефон орқали беш дақиқагача бепул сўзлашиш имконияти яратилди.

Олмалиқ кон металлургия комбинати ҳам инсон омилига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Жамоада ишлаётган ишчи-хизматчиларга қулай шароитлар яратилган. 9 Май арафасида комбинатдаги меҳнат фахрийлари ҳамда қарилик гаштини сураётган уруш қатнашчиларининг ҳар бирига 6 минг сўмдан мадад пули ажратилди. 50 дан зиёд мураббийларга махсус совғалар топширилди. Буларнинг ҳаммаси юртимизда инсон қадр-қимматини ўрнига қўйиш учун барча имкониятлар ишга солинаётганлигининг ёрқин далилидир.

**А.СУЛТОНОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг бўлим мудири.**

*Бир ташаббус шарофати*

***Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига жавобан Бухоро вилоят ҳокимлиги бир қатор хайрли тадбирларни ишлаб чиқиб, изчил амалга оширяпти. Хусусан, ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришда таълим-тарбия муассасаларининг, айниқса умумтаълим мактабларининг роли назарда тутилиб, вилоятдаги барча мактабларда ҳар ойнинг учинчи ҳафтасида «Мактаблар куни»ни ўтказиш йўлга қўйилди. Бу кенг жамоатчилик эътиборини жалб этди.***

ба уюшмалари ходимларининг ишчи гуруҳи ва мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган. Шаҳар ва туман касаба уюшмалари раҳбарларининг махсус қабул кунлари белгиланиб, тармоқ вилоят қўмиталари фаоллари мактабларга бириктириб қўйилган.

# МАКТАБГА ҲОМИЙ МАДАДИ

Ушбу тадбир натижасида ҳар бир мактабга ташриф буюрган вакиллар орасидан ҳомийлар, саховатпеша инсонлар ёрдамларини аямаяптилар. Шу аснода мактаб биноларини таъмирлаш, қўшимча синф хоналари ва спорт майдончалари барпо этиш, кутубхоналарни янги адабиёт ва дарсликлар билан бойитиш, кам таъминланган ҳамда ёрдамга муҳтож, кўп болали оилалар фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда вилоятда 526 та мактаб мавжуд. «Мактаблар куни»да корхона ва ташкилотлар, идора ва муассасалар вакиллари, таълим фидойилари, тажрибали муаллимлар зиё масканида олиб борилаётган дарс жараёнларини кузатиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган ҳолда ибратли тажрибаларни оммалаштирмоқдалар.

«Мактаблар куни»ни ўтказиш бўйича вилоят ҳокимлигида мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган. Ҳар ойдаги тадбирдан сўнг у ёки бу билим даргоҳининг ишлари таҳлил этилиб, зарурий ёрдам ва маслаҳатлар берилади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланади. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида раҳбар ҳамда мутахассислар томонидан 4800 соат дарс таҳлил этилди. Умумтаълим мактаблари моддий-техника негизини мустаҳкамлаш мақсадида 98 миллион сўмликдан ортиқ ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Бундан ташқари 7691 нафар кам таъминланган оила фарзандларига моддий ёрдам, кийим-кечак, ўқув қуроллари ва дарсликлар ҳадя этилди.

Амалдаги йилнинг мартида ўтказилган «Мактаблар куни»да Бухоро, Коғон шаҳарлари, Ғиждувон, Жондор туманлари фаол иштирок этиб 21 миллион сўмгача моддий ёрдам уюштиришга, китоб йиғиш ўн кунлигида эса 14 минг 774 нусха бадиий адабиётлар тўплашга, 42 та мактабда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этишга муваффақ бўлинди.

Яқинда Бухоро вилояти ҳокимлиги яна бир ташаббусга қўл урди. Ҳокимликнинг махсус қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида вилоят халқ таълими тизимини шаклан ва мазмунан янгилашга йўналтирилган ислоҳий тадбирлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида «Йилнинг энг намунали мактаби» совринини таъсис этилди. Бунда таълим-тарбия соҳасида юқори кўрсаткичга эришаётган мактабларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш алоҳида ўрин тутади.

Юқоридаги каби хайрли ишларда касаба уюшмаларининг иштирокини янада кучайтириш мақсадида вилоят касаба уюшмалари ходимларининг ишчи гуруҳи ва мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган.

Хусусан, Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси, вилоят кенгаши Бухоро шаҳридаги 23-мактаб ўқувчиларига 20 минг сўмлик спорт жиҳозлари, бадиий адабиётлар, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси шаҳардаги 28-мактабга 45 мингта адабиётлар ажратдилар. Шу тармоқнинг Вобкент туман қўмитаси томонидан 10-мактабга 20 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. «Бухоротранс» ва «Бухороавтойўл» бирлашмалари эса 18-мактабга 500 минг сўмлик маблағ ажратди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси эзгу мақсад учун 150 минг сўм, касаба уюшмаси шаҳар, туман қўмиталари 1 миллион сўм маблағ ўтказди.

Булардан ташқари вилоят касаба уюшмалари болаларнинг ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ишини намунали ташкил этиш мақсадида Бухоро шаҳридаги «Ёш тўқимачи», «Мовий гулхан», Ғиждувон туманидаги «Коинот», Пешку туманидаги «Ёшлик» каби оромгоҳларда сўнгги тайёргарлик ишларини олиб боряпти. Бу йилги мавсумда 21 мингдан зиёд боланинг дам олиши учун ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 73 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратиш мўлжалланган.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

***Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради***

**САВОЛ: Ёшим 49 да, ўн бир фарзанднинг онасиман. Шу ёшга кириб болаларимга бирор марта на суюнчи пули ва на бошқа нафақа пуллари олган эмасман. Шу тариқа учта келиним ҳам бу имтиёзлардан баҳраманд бўлолган эмас. Давлат томонидан туғиш ва бола парвариши учун бериладиган нафақаларни олиш тартиблари ҳақида тушунча берсангиз.**

**4 та оила бир уйда қисилиб яшаймиз, бунинг устига бир хўжаликка белгиланган томорқадан фойдаланамиз. Хўжалик раисига томорқа сўраб қилган мурожаатларимизнинг натижаси бўлмаяпти. Шу ҳақда ҳам маълумот берсангиз.**

**Анорхол ЧОРИЕВА,**
**Қизириқ тумани, «Кўпчиқиш» жамоа хўжалиги.**

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Молия, Меҳнат ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан келишилган ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 9 апрелдаги 430-сон билан рўйхатга олинган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомда ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ҳамда бола туғилганда бериладиган нафақаларни тайинлаш ва тўлаш асослари белгиланган. Унга кўра ҳомиладорлик ва туғиш бўйича вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик варақаси ишловчи аёлларга жами 126 календар кун муддатга белгиланган. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида берилади. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни ҳисоблаш ҳомиладорлик таътили бошланган ойдан олдинги 12 чегирилган барча мукофотларнинг 1/12 қисми, нафақа ҳисоблаб чиқариладиган ойлик иш ҳақига қўшилиб ўртача ойлик, кунлик иш ҳақи миқдори аниқланади. Жамоа хўжалиги аъзоларига, агар жамоа хўжалигида кейинчалик ҳисоб-китоб қилинадиган (даврлар бўйича, йил охирида) авансли ҳақ тўлаш амалга оширилса, нафақа ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланган кунгача олинган авансдан ҳисоблаб чиқарилади. Ҳисоб-китоблар амалга оширилганидан кейин эса жамоа хўжалиги аъзосига иш ҳақи бўйича нафақа қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Шунингдек, ишлаётган аёлларга бола туғилганда бир марталик нафақа (суюнчи пули) ҳам берилади. Ушбу нафақанинг миқдори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридадир. Демак, ҳозирги кунда юқорида айтиб ўтилган нафақа 3500 сўмни ташкил этади.

Агар келинларингиз жамоа хўжалигида ишлаган бўлсалар, юқорида кўрсатиб ўтилган нафақалар жамоа хўжалиги томонидан берилиши шарт.

1998 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг ер кодекси»нинг 27-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй жойни ободонлаштириш учун ер участкалари бериш ёки реализация қилиш тартиби кўрсатилган. Унга асосан шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ҳамда хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари эгалигидаги ерлар таркибига кирмаган қишлоқ, аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир оилага 0,06 гектаргача ер участкалари берилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган тартибда ким ошди савдоси асосида амалга оширилади.

«Малика» хусусий фирмасини бугунги кунда Бойсун туманида жуда яхши билишади. Сабаби фирма томонидан тайёрланаётган кийимлар ўзининг сифати, арзонлиги билан ажралиб туради. Фирма раҳбари Малика Подишоеванинг елиб югуриши, изланиши туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури кўпаймоқда. Янги иш ўринлари ташкил қилинмоқда.



**Суратда: моҳир тикувчи Дилфуза Саидова.**

**Б. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ЁДИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши билан боғлиқ масалалар хусусида «Ўзбошархив» биносида Архив ишлари бўйича жамоатчилик кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгашда Чилонзор тумани мактабларининг тарих фани ўқитувчилари, туман хотин-қизлар кенгаши раислари, қатағон қурбонлари оила аъзолари ва яқинлари, марказий ва вилоят архивларининг директорлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Кенгашда тарих фанлари доктори Доно Зиёева қатағон қурбонларини аниқлашда архив ҳужжатларининг аҳамияти, шунингдек бу борада қилиниши зарур бўлган ишлар ҳақида алоҳида тўхталди. Чилонзор туман ҳокимининг ўринбосари М.Содиқова, «Ўзбошархив» бошқармаси бўлим бошлиғи Раъно Файзиеваларнинг янги тарихимизнинг яратилиши хусусида билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам қизиқиш билан тингланди. Кенгаш қатнашчилари Файзулла Хўжаев, Ҳидоят Иноятов, Абдулҳамид Чўлпон, Саид Аҳрор каби қатағон қурбонларининг фарзандлари ва яқин қариндошларининг суҳбатларидан баҳраманд бўлдилар. Хусусан, Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бунёд этилганлиги биз тарих билан юзма-юз бўлаётганлигимизнинг тасдиғидир, деган фикр бидирилди.

**Мастура ХОЖИМАТОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббий ҳужжатлар Марказий давлат архиви директори.**

*Меҳнат қонунлари қандай бажарилмоқда?*

# КАСАБАҚЎМ ТАШАББУСНИ БОЙ БЕРГАЧ...

***Фаровонлик, гўзал турмуш тарзи бевосита мавжуд қонун ва қонун ҳужжатларимизнинг ижроси тўла-тўкис таъминланиши билан боғлиқ. Тажрибадан маълумки, бу борада изчил назорат ўрнатилган тақдирдагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Шу боисдан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнат қонунларининг жойларда қандай бажарилаётганлиги юзасидан доимий назоратни йўлга қўйган. Республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси меҳнаткашларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бош нозири Муҳиддин СОДИҚОВ Хоразм вилоятига хизмат сафари чоғида ушбу долзарб масалаларга эътиборни қаратди.***

Вилоят аксарият туманларида ушбу тармоққа қарашли касаба уюшмаларида Адлия вазирлигининг «Меҳнат дафтарчасини юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома талабларига риоя қилинмаган. Баъзи касаба уюшма қўмита раислари қонунчиликни, ўз вазифалари ва ҳуқуқларини яхши билмаслиги натижасида ишга қабул қилишни шартнома асосида эмас фақат ишга кираётган фуқаронинг шахсий аризасига имзо чекиш билан амалга оширганлар. Шунингдек, болали оилаларга нафақа тўлаш ишлари назорат қилинмаган. Айниқса охирги икки йил мобайнида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари жамоа шартномаларига киритилмаганлиги ажабланарли ҳолдир.

Далилларга мурожаат қилайлик: Гурлан, Хонқа тумани АСМ ходимлари касаба уюшма қўмиталарининг амалга оширилиши керак бўлган иш режалари йилдан-йилга нусха кўчиришдан иборат бўлмоқда. Бунинг устига улар ҳам талабга жавоб бермайди. Жумладан, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бирорта масала киритилмаган. Хонқа тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида ишдан бўшатилган ходимларга бу ҳақдаги буйруқ орадан 40-50 кун ўтгандан кейин чиқарилган. Ходимларни меҳнат таътилига чиқариш бўйича жадвал ишлаб чиқилган-у, бироқ унга амал қилинмаган. Янгибозор туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раҳбарлари ҳам иш юритиш тартибига риоя этишмаяпти. Меҳнат дафтарчаларини юритиш амалдаги йўриқномаларга зид равишда олиб борилмоқда. Юздан ортиқ хўжалик аъзоларига меҳнат дафтарчалари очилмаган. Ходимлар фаолияти, ҳақ-ҳуқуқи билан боғлиқ қарорлар ишлаб чиқаришга оид ҳужжатлар билан алмашиниб кетган. «Жайхун» жамоа хўжалигидаги фермер хўжалигида фаолият юритаётган 17 нафар ходимнинг 5 таси аёллар бўлиб, уларга ишлаш ва дам олишлари учун шароит яратиб берилмаган. Хўжалик раҳбари томонидан 6 соат иш вақти белгиланишига қарамай амалда уларнинг 12 соатлаб ишлаётганлиги маълум бўлди.

Ачинарлиси шундаки, Ҳазорасп туман касаба уюшма қўмитаси раиси Ш. Қўчқоров касаба уюшмалари вазифалари тўғрисида меҳнаткашлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормаган. Натижада улар ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ҳуқуқларини кимдан ва қандай талаб қилишни билишмайди. Қолаверса, бу нарса кўпчилик фуқароларнинг касаба уюшма ташкилотига фақат дам олиш учун йўлланма берувчи ташкилот сифатида қарашларига олиб келган. Ажабланарлиси шундаки, Ш. Қўчқоровдан ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараганлиги ҳақида тушунтириш хати ёзиб бериш сўралганида: «Нима, бунинг билан бирор нарса ўзгариб қолармиди?! Қанча тушунтириш хати керак бўлса, ёзиб бераман» дея пичинг қилди.

Меҳнат қонунларига қандай риоя этилиши, иш шароити, одамлар кайфияти кўп жиҳатдан касаба уюшма етакчиларининг омилкорлиги, ташаббускорлиги, қатъиятлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Касабақўм ташаббусни бой берса, муросасозлик йўлини тутса ҳеч қачон мақсадга эришилмайди. Юқоридаги мисоллар бунинг ёрқин далилидир.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

*2000 йил — Соғлом авлод йили*

# МАҲАЛЛАЛАРДА ШИФО МАСКАНЛАРИ

Аҳоли соғлиғини сақлаш ижтимоий муҳофазанинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу борада Олий Мажлиснинг 1996 йил 29 августдаги сессиясида қабул қилинган «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни, Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини бошқаришни ислоҳ қилиш, аҳолини дори-дармон ва тиббиёт воситалари билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари эълон қилинди. Ушбу муҳим ҳужжатлар асосида, туман соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди. Белгиланган вазифалар бирлашган касалхона маъмурияти ва касабақўми ҳамкорлигида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, 14 та ташкилот, идора ва муассасалар билан ҳамкорликда марказий шифохонанинг кўз касалликлари бўлими, гинекология, ташҳис, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш маркази тўла таъмирланди. Ўз кучимиз билан Сарибий, Гулдурсин, Қирққиз қишлоқ участка касалхоналарида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб бордик. Марказий касалхона ҳудуди асфальтланди. Туман тиббиёт масканларида беморларга қулай шароитлар яратишда «Элтекс», «Элликқалъа олтин толаси», «Шарқ», «Нур», «Бўстонтранс» ҳиссадорлик жамиятлари фаол қатнашдилар. Шифохоналарни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда фермер хўжаликларининг ҳам ҳиссалари баракали бўлаётир.

Касабақўм билан маъмурият ҳар доим ҳамжиҳатликда жамоа шартномаси асосида иш олиб бораётганлиги кўпгина ютуқларимиз омили бўлаётир. Хусусан, қисқа муддатда касабақўмнинг ташаббуси билан ҳамда маъмурият қўллаб-қувватлаши натижасида марказий касалхона ҳудудида 3 гектар майдонни эгаллаган боғ барпо қилинди. Ҳозир у мевага кирди. Шунингдек, 3 гектардаги теракзоримиз ҳам баравж ривожланмоқда.

Дастурга биноан тадбирларимизга бир қатор янгиликлар ҳам киритилди. Жумладан, маҳаллаларда янги шифокорлар хоналари ташкил қилинганидир. Ҳозир «Амиробод», Сарибий, «Қиличинок» фермер хўжаликлари ва Бўстон шаҳрида шундай даволаш масканлари самарали фаолият кўрсатаётир.

Пуллик хизмат кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қисқа фурсатда уч жойда якка тартибда хусусийлаштирилган тиббий хизмат йўлга қўйилиб, аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида кенг кўламли иш олиб борилаётир.

Туманимизда ногиронлар, кам таъминланган, якка-ёлғиз кишиларни ўз вақтида даволаш яхши йўлга қўйилган. Айни чоғда уларга имтиёзли тарзда дори-дармонлар берилмоқда.

«Соғлом авлод йили» муносабати билан марказий касалхона тизимида махсус дастур ишлаб чиқилди. Унга асосан 14 ёшгача бўлган болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшларни никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш, ҳомиладор аёлларни соғломлаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Йилнинг ҳар бир чораги якунида дастурнинг ижро қилиниши тўғрисида масъул мутасаддилар, мутахассислар ахбороти муҳокама қилиб борилаётир.

Касаба уюшма қўмитамиз аниқ режа асосида фаолият кўрсатиб, кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотганларга биринчи навбатда моддий ёрдам кўрсатмоқда. Ходимларимизнинг соғлигини мустаҳкамлаш масаласи ҳам доимо эътиборимизда. Зарур ҳолларда улар санаторий-профилакторийларда бўлиб қайтишади. Бу борада туманимизда бошқа жойларга нисбатан анча қулайликлар яратилгани ва ҳозирги кунда Алишер Навоий номидаги, Сарибий ва Ақчақул сиҳатгоҳлари мунтазам ишлаб турганини таъкидлаш ўринлидир. Бу шифо масканларига Қорақалпоғистон барча овул ва шаҳарларидан дам олувчилар келиб, соғлиқларини мустаҳкамлаб кетишади.

Ёз фасли ҳам эшик қоқмоқда. Ходимларимиз фарзандларининг бу мавсумни кўнгилдагидек ўтказишлари ҳақида ўйлаяпмиз. Бу борада туманимизнинг жуғрофий жойлашиши, иқлими, сув ҳавзалари мўллиги жуда қўл келмоқда. Фарзандларимиз Ақчақул соҳилида жойлашган «Камалак» болаларни соғломлаштириш масканида мириқиб дам олишини таъминлаймиз.

Бир сўз билан айтганда, касабақўм доимо эл саломатлиги йўлида хизмат қилаётган тиббиёт ходимларига етарли яшаш ва ишлаш шароитларини яратиб бериш борасида бундан кейин ҳам изчил фаолият кўрсатаверади.

**Х.КАРИМБЕРДИЕВ,**
**Элликқалъа туман тиббиёт ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

*«Универсиада—2000»*

# НАМАНГАН СПОРТ БАЙРАМИГА ТАЙЁР

***Мамлакатимизда жисмоний камолот синови ҳисобланган олий ўқув юртлари талабаларининг универсиадаларини ўтказиш анъанага кириб қолди. Бу сафарги спорт байрами Наманган вилоятида ўтказилади. Универсиадани чинакамига байрамона руҳда, зўр уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ташкилий қўмита ишлаб турибди. Хўш, бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Мухбиримиз ушбу савол билан вилоят ҳокимининг муовини, ташкилий қўмита раиси ўринбосари Иброҳимжон Юсуповга мурожаат этди.***

— Универсиада мусобақаларида барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан 13 та, шунингдек, Тошкент шаҳридан яна 3 та жамоа иштирок этади.

Авваламбор мазкур беллашувга тайёргарлик 1999 йилнинг августидан бошланганлигини ва Низомга кўра уни уч босқичда ўтказиш кўзда тутилганлигини эслатиб ўтмоқчиман. Зеро, бундан мақсад талабалар ўртасида спортнинг энг оммавий турларини ривожлантириш, уларни жисмоний ва маънавий камолга етказиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, халқаро мусобақаларда қатнашувчи Ўзбекистон терма жамоаси учун номзодлар танлашдир.

Ушбу йўналиш бўйича вилоятимиздан универсиадага қатнашувчи терма жамоаларни саралаш ва уларни финал мусобақаларига тайёрлаш бўйича бирмунча ишлар қилинди. Биринчи ва иккинчи босқичларда спортнинг 13 тури бўйича олий ўқув юртлари спорт клублари ўзаро беллашиб, шу тариқа финалда иштирок этиш учун командалар шакллантирилди. Бугун терма жамоа аъзолари нуфузли мураббийлар назоратида машғулотларда қатнашмоқдалар.

Иккинчи йўналиш бўйича, яъни универсиада беллашувлари ўтадиган иншоотларни белгилаш, уларни тайёрлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Шунга кўра Наманган давлат университетининг спорт базасидаги иншоотлар, шаҳарнинг уч заллик спорт мажмуаси, «Паҳлавон», «Шоҳруҳ», «Дўстлик» теннис кортлари, Наманган муҳандислик педагогика институтининг спорт иншоотлари ҳамда Тўрақўрғон, Чуст, Косонсой, Уйчи туманларидаги спорт иншоотлари ана шундай масканлар, деб танланди. «Универсиада-2000»нинг финал мусобақалари ушбу иншоотларда бўлиб ўтади. Ўйинларни республика Спорт қўмитаси, Миллий Олимпиада қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан танланган ҳакамлар ҳайъати бошқариб боради, баҳолайди.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, вилоятда катта спорт байрами сифатида кутиб олинаётган «Универсиада-2000»нинг ташкилий жиҳатларига ҳам ўзига хос ҳозирлик билан келинмоқда. Вилоят олий ўқув юртларида шу мақсад учун талаба ва ўқитувчи-профессорлар ташаббуси билан шанбалик ўтказилди ҳамда ундан тушган маблағ тайёргарлик ишларига сарфланди. Наманган давлат университети профессор-ўқитувчилари эса бир ойлик устама ҳақларини «Универсиада-2000» жамғармасига ўтказдилар. 1 миллион 300 минг сўмни ташкил этган ушбу маблағ талабаларни универсиада беллашувларига ҳозирлаш ва шу йўналишдаги бошқа мақсадлар учун ишлатилмоқда.

Универсиадани ўтказиш вилоят ташкилий қўмитаси шу соҳа билан боғлиқ барча масалаларни, таъбир жоиз бўлса, ипидан игнасигача ҳисобга олган ва уларнинг пишиқ-пухта бажарилишини кузатиб бормоқда. Жумладан, спортчилар учун вилоятнинг энг гўзал ва баҳаво масканларидан ҳисобланган Чортоқ туманидаги «Гулшан» ва «Чортоқ» сиҳатгоҳларида алоҳида «Универсиада шаҳарчаси» барпо қилинди. Бу ерда талаба-спортчиларнинг мириқиб дам олишлари, танлаган спорт турлари бўйича машғулотлар ўтказишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароит муҳайё этилди. Олий ўқув юртлари қошида иш олиб бораётган ишчи гуруҳлари универсиадага тайёргарлик билан боғлиқ масалаларни диққат-эътибор билан кузатиб ҳамда назорат қилиб бормоқдалар. Улар шароит талаб этганда вилоят «Универсиада-2000» ташкилий қўмитаси билан боғланиб ҳар қандай масалани ўз ўрнида кечиктирмасдан ҳал этилишига эришмоқдалар. Хуллас, бутун Наманган аҳли 22 майдан 1 июнгача ўтадиган ажойиб спорт байрамини орзиқиб кутмоқда.

**Суҳбатдош: Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.**





# СПОРТ - СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

## МАЙДОНДА — ТУРЛИ СОҲА ЭГАЛАРИ

***Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари Тошкент шаҳар касаба уюшма қўмитаси тармоқ меҳнаткашлари ва оила аъзоларини соғломлаштириш ишига, уларнинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт турлари билан шуғулланишига катта эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда меҳнаткашлар ўртасида турли мусобақалар, спартакиадалар мунтазам ўтказиб келинмоқда.***

Яқинда ТошГРЭС ўйингоҳи ва «Энергетик» маданият саройида «Соғлом авлод йили»га бағишланган шаҳар тармоқ касаба уюшма қўмитасининг III спартакиадаси бўлиб ўтди. 18 та ташкилот ва корхонанинг 250 га яқин меҳнаткашлари иштирок этган спартакиада баҳсларида спортнинг 5 тури — мини футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича муросасиз кураш бўлиб ўтди.

Умумжамоа ҳисобида «ТошшаҳарПЭС» жамоаси биринчи, ТошГРЭС жамоаси иккинчи, «Марказийаэрогеодезия» корхонаси жамоаси учинчи ўринни эгалладилар.

Спартакиада ғолиб ва совриндорларига шаҳар тармоқ касаба уюшма қўмитасининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

## ЁШ ПОЛВОНЛАР МАҲОРАТИ

Қоракўл туманида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб миллий кураш бўйича мусобақа ўтказилди. У 9 май куни арафасида ўтказилган барча тадбирларнинг энг яхшиларидан бири бўлди.

Мусобақани ёш полвонлар бошлаб бердилар. Шундан сўнг гиламга энг маҳоратлилар таклиф этилди. Қизғин ва муросасиз кечган баҳсларда Навоий вилоятидан ташриф буюрган Фарҳод, сурхондарёлик Чингиз, олотлик Рустам, қоракўллик Хўжаниёз, Ғаффор ва Овул полвонларга тенг келадиган топилмади. Мусобақа ғолибларига бош ҳомий - «Чевар» корхонасининг совғалари топширилди.

Жанубий Кореяда грек-юнон кураши бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда 19 мамлакат спортчилари иштирок этди. Ҳамюртларимиз мусобақада фаол иштирок этиб, битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритди.

## ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИГА ЙЎЛЛАНМА

Баҳодир Қурбонов Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлди. Дилшод Ориповга кумуш, Шуҳрат Садиев ва Юрий Виттга бронза медали насиб этди.

Шунингдек, мазкур чемпионат доирасида ўтказилган саралаш турнирида Руслан Биктяков ва Юрий Витт Олимпия ўйинларига бериладиган йўлланмаларни қўлга киритишди. Энди беш нафар ҳамюртимиз - Баҳодир Қурбонов, Дилшод Орипов, Евгений Ерофайлов, Руслан Биктяков ва Юрий Витт грек-юнон кураши бўйича Олимпия ўйинларида иштирок этади.

*Ташаббус*

## ЖОЗИБАСИ ЎЗГАЧА

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан қадим ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда спорт қўмитаси ташаббуси билан узоқ масофага югуриш бўйича марафон бўлиб ўтди. Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар Ватанимиз мустақиллиги йўлида жонини фидо этган ота-боболаримиз хотираси умрбод ёдда сақланажагини билдирдилар.

Шундан сўнг марафон иштирокчилари — юзлаб меҳнаткашлар, талабалар, ўқувчилар баҳсга киришдилар. Шуни алоҳида қувонч билан айтиш лозимки, мусобақага вилоят ва шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари, вилоят «Нуроний» жамғармаси масъул ходимлари ҳамда фахрийлар алоҳида файз киритдилар. Беллашув сўнггида марафон ғолиблари аниқланди. Самарқанд давлат университети жамоаси умумий ҳисобда ғолибликни қўлга киритди. Педагогика университети ва 24-мактаб вакилларига эса кейинги ўринлар насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, вилоят касаба уюшмалари қўмитаси, «Камолот» жамғармаси ҳамда ҳомийлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Р.ҚУРБОНОВ.**

*Бокс*

## ТАЙСОН ЛЬЮИСГА ҚАРШИ

Бутун дунё профессионал бокс ихлосмандларининг юксак ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган уришқоқ Майк яна мухлису мутахассисларнинг диққат-эътиборида. Чунки яқинда «Ассошиэйтед Пресс» агентлигига берган интервьюсида 80-90 йилларнинг севимли боксчиси «Темир Майк» тез орада ҳозирги жаҳон чемпиони Буюк Британиялик Леннокс Льюисга қарши рингга чиқишини маълум қилди. У Льюисга қарата: «Леннокс ҳаракат қил, унвонларингни сақлаб қолишга интил. Мен яна 2-3 та «жанг»дан сўнг тайёр бўламан» — деган қатъий сўзларни билдирди.

Ҳа, жаҳон чемпиони Льюиснинг яқинда Майк Тайсонни жиддий рақиб ҳисобламаслиги ҳақидаги нописанд сўзлари ана шундай акс-садо берди. Афсонавий Майк Тайсон ўз сўзини қуйидагича ниҳоялади: «Леннокс яхши билиб қўйсинки, у менга кераакмас, балки, мен унга керакман!».

Дарҳақиқат, Америка ва Европанинг икки машҳур оғир вазнли профессионал боксчиси иштирокида ажойиб бокс «спектакли» яқин 5-6 ой ичида намойиш этиладиган кўринади.

*Футбол*

# ПЕШҚАДАМ БЎЛИШ ОСОНМАС

***Азалдан шунақа. Турнир жадвалининг нечанчи ўрнида бораётганидан қатъи назар пешқадамга қарши ҳамиша ўзгача бир шиддат ва йиғинчоқлик билан майдонда ҳаракат қилинади. Бунга куни кеча бўлиб ўтган тур учрашувлари шоҳидлик бериши мумкин. Очиғи, Ангрен ва Тошкентда «Семурғ» ва «Трактор» жамоаларига рўбарў бўлган «Дўстлик» ҳамда «Самарқанд-Динамо» командалари учун ўйин осон кечмаслиги башорат қилингани боис ҳам ўз майдонида «Қизилқум»ни қабул қилган Қаршининг «Насаф» футболчиларининг имкониятлари юқори баҳоланганди.***

Йўқ, ундай бўлмади. Ҳар қанча ҳужумкорликка зўр берилмасин, зарафшонлик «чарм тўп» усталарининг иродасини букиш насиб этмади. Бир сўз билан айтганда, ўйин қовушмади, омад чопмади. Балки бунга тўрт кун муқаддам мамлакат кубоги учун «Самарқанд - Динамо» билан бўлган учрашувдан сўнгги толиқиш сабаб бўлгандир? Билмадик, ҳар қалай «Насаф» ўзи қўйган тўсиқни ўзи ошиб ўта олмади. Ўйин 1:1 ҳисобида тугади.

Сўзимизнинг даромадидан, албатта, сергак мухлисларимиз сезган бўлсалар керак: мамлакатнинг ўтган йилги чемпиони ва бу йилги пешқадами «Дўстлик» ҳам Ангренда «Семурғ»нинг жиддий қаршилигига дуч келди. Биринчи бўлимда Зафар Ирисметовнинг аниқ зарбасидан сўнг «Дўстлик» олдинга чиқиб олган бўлса-да, иккинчи бўлим бошида Неъматулло Қуттибоев ҳисобни тенглаштирди. Биринчи марта кучлилар сафида тўп сураётган «Семурғ» учун бу учрашув, айтиш мумкинки, ўзига хос имтиҳон бўлди. Гарчанд ангренликлар 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлсалар-да, олий лигага беҳуда чиқмаганликларини исботлай билдилар.

Яна бир пешқадам «Самарқанд-Динамо» Тошкентда бир йўла уч очкони йўқотди. Агар ёдингизда бўлса, самарқандликларнинг ғолибона юришини бултур ҳам айнан «Трактор» тўхтатиб қолган эди. Бу йил ҳам шу ҳол такрорланди. Таркибида Равшан Бозоров, Ойбек Усмонхўжаев, Олим Тиллаев ва легионер Мухсин Муҳаммадиев каби моҳир футболчилар тўп сураётган «Самарқанд-Динамо» майдон эгаларининг ҳимоя қалқонини ёриб ўтолмади, боз устига ўз дарвозасидан икки тўп ўтказиб юборди.

Бу ғалаба «Трактор» учун ғоят муҳим эди. Сабаби, дастлабки тўрт ўйиндан сўнг 12 очко билан пешқадам бўлиб олган жамоа кейинги олти ўйинда бор-йўғи уч очко тўплаб, мухлисларини ранжитган, қолаверса, ўз кучига бўлган ишончи ҳам йўқолаёзган эди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Хоразм» - «Андижон» - 0:0, «Турон» - «Нефтчи» - 0:1, «Сурхон» - «Бухоро» - 1:0, «Металлург» - «Зарафшон» - 2:0, «Сўғдиёна» - «Темирйўлчи» - 3:2, «Гулистон» - «Навбаҳор» - 1:2, «Пахтакор» - «Кимёгар» - 2:1.

Навбатдаги тур учрашувлари 13 май куни бўлиб ўтади. Шу куни чемпионат пешқадами «Дўстлик» жамоаси Тошкентда «Пахтакор»нинг меҳмони бўлади.

**З.РИХСИЕВ.**

### 11 ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Дўстлик» | 11 | 8 | 2 | 1 | 24-9 | 26 |
| 2. «Насаф» | 11 | 7 | 2 | 2 | 20-13 | 23 |
| 3. «Самарқанд-Д» | 11 | 7 | 1 | 3 | 20-11 | 22 |
| 4. «Навбаҳор» | 10 | 6 | 2 | 2 | 20-10 | 20 |
| 5. «Нефтчи» | 10 | 6 | 2 | 2 | 17-8 | 20 |
| 6. «Трактор» | 11 | 5 | 3 | 3 | 16-11 | 18 |
| 7. «Сурхон» | 11 | 5 | 3 | 3 | 19-15 | 18 |
| 8. «Семурғ» | 11 | 5 | 2 | 4 | 21-13 | 17 |
| 9. «Пахтакор» | 11 | 5 | 2 | 4 | 16-13 | 17 |
| 10. «Бухоро» | 11 | 5 | 3 | 3 | 13-12 | 15 |
| 11. «Андижон» | 11 | 3 | 5 | 3 | 14-14 | 14 |
| 12. «Металлург» | 11 | 4 | 2 | 5 | 10-14 | 14 |
| 13. «Сўғдиёна» | 11 | 4 | 2 | 5 | 10-17 | 14 |
| 14. «Зарафшон» | 11 | 4 | 2 | 5 | 11-21 | 14 |
| 15. «Қизилкум» | 11 | 3 | 3 | 5 | 10-17 | 12 |
| 16. «Гулистон» | 11 | 3 | 1 | 7 | 12-18 | 11 |
| 17. «Темирйўлчи» | 11 | 2 | 3 | 6 | 15-18 | 9 |
| 18. «Хоразм» | 11 | 2 | 3 | 6 | 6-12 | 9 |
| 19. «Кимёгар» | 11 | 1 | 4 | 6 | 6-16 | 7 |
| 20. «Турон» | 11 | 0 | 3 | 8 | 5-22 | 3 |



**МАРОҚЛИ МАШҚЛАР**

**Иккала тасвирда ҳам оқлар бошлаб икки юришда мот қилади.**

*Тож талабгорлари*

# ГУНСБЕРГ

1886 йилда шахмат олами ўзининг биринчи чемпионига эга бўлди. Маълумки, бу машҳур Стейниц эди. Шахмат қонуншуноси моддалардагина эмас, балки тахта ёнида ҳам ўз нуқтаи назарини ҳимоялаши лозим эди. Биринчи чемпион шаънига яраша зўрлар билан учрашишдан ҳеч қачон бош товламаган. У биз билганимиздек Чигоринни ўзининг биринчи ҳамда энг муносиб рақиби деб билган.

Гунсберг ҳам Чигоринни жаҳоннинг энг кучли шахматчиларидан бири деб санаган ва ўз навбатида у ҳам Стейницни матчга чақириш ниятида экан, олдин у рус маэстроси билан куч синашиб кўришим керак деб ўйлаган. Уларнинг матчи 1890 йилнинг бошларида Гаванада бўлди. Томонларнинг ҳеч қайсиси ўз устунлигини исботлай олмади. Иккала рақиб ҳам 9 марта ютиб, 5 та дуранг қилди.

Бу Гунсбергни жаҳон чемпиони билан курашишга кучим етади, деган фикрга олиб келади ва у Стейницни матчга чақиради. Жаҳон чемпиони таклифни қабул қилар экан, бу қарорини «Гунсбергнинг Чигорин билан бўлган матчида кўрсатган натижаси у ҳақида замонамизнинг машҳур шахмат устаси сифатида сўз юритишга имкон беради» деб изоҳлаган эди.

Лекин ҳар ҳолда Гунсбергнинг бу беллашувда муваффақият қозонишига кўплар ишонмасди. Ҳомий топилмагач, матчнинг ташкилий томонини Нью-Йоркдаги Манхеттен шахмат клуби ўз зиммасига олди. Бундай юқори даражадаги мусобақа учун қўйилган дов жуда кам — бор-йўғи 375 доллар эди-ю, лекин шуни ҳам тўплаш қийин бўлди. Ҳа, шунақаям қийин бўлдики, жаҳон чемпиони билан учрашишнинг бирдан-бир имкони шу матчда эканлигини тушунган Гунсберг пулнинг бир қисмини ўзи берди.

Шундай қилиб Стейниц-Гунсберг матчи 1900 йилнинг 9 декабрида бошланди. У 20 партияда ким кўп очко олиш шарти билан ўйналди. Чамаси рақибини назар-писанд қилмаган Стейниц баҳснинг бошланишида жуда бўш ўйнади. Гунсберг ҳисобда олдинга ўтиб олди, лекин кейинига жаҳон чемпиони устма-уст икки марта ютиб, имкониятни мусобақанинг охиригача қўлдан чиқармади. Матч ҳисоби +6—4=9 бўлди.

Натижа адолатли эди. Зеро, Стейниц чиндан ҳам Гунсбергга нисбатан кучлироқ ўйнарди. Тарраш таъкидлаганидек, тож талабгори шахматчилар орасида биринчи бўлиб жаҳон чемпионига қарши унинг ўз қуролини ишлатган бўлсада, бу тактика ўзини оқламади. Стейницни мағлуб этиш учун Гунсберг ўзидан ҳам бирон-бир янгилик қўшиши даркор эди. Гунсберг позициявий услубда яхши ўйнарди-ю, лекин унинг ўйини асло Стейницникичалик ёрқин эмас эди.

Стейниц билан бўлган матчдан сўнг Гунсбергнинг натижалари пасайиб кетди. Ўйини сабот ва тиришқоқликдек энг қимматли сифатларини йўқотди. Сўнгги йилларини муҳтожликда ўтказган Гунсберг 1930 йил 2 майда вафот этди.

**Мамажон МУҲИТДИНОВ**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Қашқадарё вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Деҳқонобод туман қўмитаси раиси **Тохиржон БЎРИЕВнинг** бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.30

Буюртма Г— 384.

1 2 3 4 5 6